Инсон манфаатлари – олий қадрият

# АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 8 ДЕКАБРЬ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 49 (595) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

*... 2007 йилга “Ижтимоий ҳимоя йили” деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади.*

# Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.*

## Юртимиздаги буюк ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг – демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимизнинг туб моҳияти Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имкониятларни, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Бундан 14 йил муқаддам умумхалқ муҳокамасидан кейин ҳар томонлама ва чуқур ўйланган демократик йўл билан қабул қилинган Асосий қонунимиз янги жамиятнинг ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Асосий қомусимиз, бир томондан, халқимизнинг теран тарихий илдизларига асосланган, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган бўлса, иккинчи томондан, тарихда синалган умуминсоний қадриятлар, халқаро андозалар, тараққий топган давлатларнинг илғор тажрибаси мужассам этилган ҳужжатдир.

Ўтган даврда Конституциямизнинг ҳаётий негизи нечоғли мустаҳкам эканини ўз тасдиғини топди. Конституциявий қоидалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида тобора тўлароқ намоён бўлмоқда. Чунки Асосий қонунимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг барқарорлиги, истиқлолга садоқатимиз, истиқболга ишончимиз, ислоҳотларимизнинг муваффақиятли одимлари, эзгу юмушларимизнинг самаралари, халқимиз тийнатида буюк яратувчилик ва бунёдкорлик руҳи кундан-кун яққол намоён бўлаётгани – барча-барчасининг замирида Асосий қомусимизда кафолатланган ҳуқуқлар, ғоялар, принциплар турганини бугун ҳар бир юртдошимиз чуқур ҳис этмоқда.

Юртбошимиз инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотларимиз жамиятимизнинг янада гуллабяшнашига, кишилар турмушининг фаровонлашувига, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини қайд этар экан, бу борадаги эзгу ишларимизни кенг кўламда, жадал суръатлар билан давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда анъана тусига кирган - ҳар бир йилни маълум бир ном билан аташ амалиётига содиқ қолган ҳолда, 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай ибратли ишлар, биринчи навбатда, юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун ижтимоий, иқтисодий, маънавий аҳамиятга эгадир.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури замирида жамиятимизда инсон қалбидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси – ҳомийликнинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини теран тарғиб этиш, саховатли ва беғараз ҳомийларни рағбатлантириш, фидойи ва юксак фазилатли инсонларни қадрлаш ғоялари ўз мужассамини топди. Дастур асосида амалга ошираётган барча эзгу саъй-ҳаракатларимиз халқимиз ҳаётини янада яхшилашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилаётир.

Жорий йилда халқимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат, савоб, ҳиммат каби фазилатларни янада ривожлантириш, ҳомийлик ҳаракатини кенгайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришга оид масалалар доимий эътиборда турди. Кўплаб ижтимоий объектлар бунёд этилди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди ва қўшимча иш жойлари ташкил этилди. Қишлоқ жойларда касаначилик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаяпти. Уй шароитида чорва билан шуғулланаётган юртдошларимиз моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Эҳтиёжманд кишиларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатилмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган даврда наинки инсонлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган шифокорларнинг, айни чоғда, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳам шарафли ва масъулиятли меҳнатини ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, умуман, аҳолининг реал даромадларини ошириш, иш ҳақи, стипендия ва нафақалар миқдорини кўпайтириш каби ижтимоий-иқтисодий йўналишда муҳим аҳамият касб этувчи кўплаб эзгу ишлар бажарилди.

Йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган ва амалга оширилаётган эзгу ва саховатли ишлар «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган даъват минг-минглаб юртдошларимизнинг қалбида акс-садо бераётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўзининг эзгу ишлари билан ўрнак кўрсатган бағрикенг, олийҳиммат ватандошларимизни ҳар томонлама қадрлаш ва эъзозлаш барчамиз учун қарз ва фарз эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваломбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн тўрт йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир ҳақиқатни эътироф этишимиз лозим.

Яъни, биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Биз бугун изчиллик билан амалга ошираётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўли ва бу йўлнинг асосий қонунчилик негизлари ҳақида гапирганда, бамисоли тоғдай таянч бўладиган иккита мезон-мақсадни ўзимизга яққол тасаввур қиламиз.

Биринчиси – юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда ҳаётимизни қуриш.

Иккинчиси – қадимий ва бой тарихимиз, қадриятларимиз, ота-боболаримиз азалдан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган муқаддас дину диёнатимиз, урф-одат, удум ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тушган синовда ҳам ўзлигимизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни унутмасдан яшаш, фарзандларимизни ҳам шу аснода тарбиялаш ва ҳаётга йўлланма бериш.

Мана шу иккита йўналиш – замон талаб қиладиган демократик принциплар ва миллий хусусиятларимиз-қадриятларимизни ўзаро уйғун тарзда бирлаштиришдек ўта муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифани рўёбга чиқариш, қатъият ва изчиллик билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш – булар биз танлаган йўлни белгилаб бераётган асосий омиллари ва шарти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч кимга сир эмас – биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди, албатта. Унинг дунёқараши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак, тажриба керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот, борингки, қандай зўравонлик бўлмасин, одам зоти ўз ҳаёти мисолида, тажрибасида таклиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши керак ва иқрор бўлиши даркор.

Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт моделини ишлаб чиқишда инқилобий сакрашлар йўлини эмас, аксинча, тадрижий йўлни, имкон қадар ҳеч кимнинг бурнини қонатмайдиган, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танладик.

Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажаги буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуришдек улуғ мақсадни қўйдик. Эҳтимол, бу ўша пайтда кимларгадир баландпарвоз ёки афсонавий гап бўлиб туюлган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмоқда.

Чет эллардаги таниқли сиёсатчилар, эксперт ва шарҳловчилар ҳозирги пайтда биз қўлга киритган натижаларни холисона ва ҳаққоний баҳолаб, «Ўзбекистон ўзи белгилаб олган ана шу принципларга оғишмай амал қилса, албатта, келажаги буюк бўлади», деган фикрни билдирмоқда.

Яқинда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирлари давомида нуфузли халқаро ташкилотлар етакчиларининг бизга йўллаган табрикномаларида, юртимизга ташриф буюрган атоқли хорижий олимлар, давлат ва жамоат арбоблари томонидан бундай юксак эътирофнинг такрор ва такрор билдирилганига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Бундай фикр ва хулосаларни эшитганда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг юраги қувонч ва ғурурга тўлиши табиий, албатта.

Аммо биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғлиқ долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

Шу муносабат билан яқинда умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси айнан ана шундай фикр ва мақсадлар билан озиқланган десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашнинг амалий эҳтиёжи, асосий омиллари ва сабаблари ҳақида гапирганда:

Биринчидан, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлидан изчил бориб, ислоҳотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, мустақиллик даврида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи ортгани ва анча пишиб етилганини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантириш учун қонуний йўл-йўриқларни яратиб беришни бугун замоннинг ўзи талаб қилаётганини қайд этиш зарур.

Учинчидан, ҳозирги кунда халқимизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганини инобатга олишимиз ва шунга қараб сиёсат олиб бориш заруратини унутмаслигимиз керак.

Шу маънода, таклиф этилаётган қонун лойиҳасидаги барча моддалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан кўтариб боришдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши муқаррар.

Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий.

Бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибида туриши зарур.

Одамларнинг фаоллигини ошириш йўли эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ҳар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таклиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади.

Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

Маълумки, ҳозирги вақтда юртимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Улар парламент сайловлари ва маҳаллий сайловлар пайтида ўз дастурлари, сиёсий маслагини эълон қилган ҳолда, ўзаро курашиб, Олий Мажлисдан ва вилоят кенгашларидан тегишли ўринни эгаллаган ва Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини, маҳаллий кенгашларда эса депутатлар гуруҳларини ташкил этиш орқали фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, 2000 йиллардан бошлаб бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда демократик жараёнларни давом эттиришда, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бизнинг бу йўналишда эришган натижаларимиз юқорида зикр этилган мақсадларимизга бугунги кунда тўлиқ жавоб бермаётганини ҳам холисона тан олишимиз лозим.

Бундай ўта муҳим масалаларни ҳал қилиш зарурати ҳақида, сиёсий партияларимизнинг фаолияти ҳалибери реал ҳаёт муаммоларидан узоқ бўлиб тургани ҳақида кўп чиқишларимизда илгари ҳам айтилган.

Ана шундай ҳолатларнинг ечимини топиш учун мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йўлида янги-янги имкониятлар очиб бермоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар ва маҳаллий кенгашлардаги сиёсий партия гуруҳларининг мақомини аниқ белгилаб қўйиш, барча бўғиндаги халқ ноибларининг ваколати ва мавқеини ошириш бўйича қонуний механизмларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Содда қилиб айтганда, сайлов натижалари асосида шаклланган Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларда қайси сиёсий партиянинг вакиллари кўпчилик мақомига эга бўлади, қайси партиянинг вакиллари эса озчиликни ташкил қилади, тузилаётган ҳукумат сиёсатига нисбатан қайси партия мухолифатлик позициясини ўзига маъқул кўради – буларнинг барчаси таклиф қилинаётган қонун лойиҳасида ўзининг аниқ-равшан ҳуқуқий ифодасини топган.

Сайловлар натижасида Қонунчилик палатасида ўз фракциялари ва маҳаллий кенгашларда депутатлик гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партияларнинг ҳукумат раҳбари ва вилоят ҳокимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу орқали ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши – мана шу ҳолатларнинг ўзи сиёсий партияларнинг ҳаётимиздаги роли ва амалий таъсири кескин кучайишининг яққол исботи, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 2-бетда)

## Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Озод ва фаровон юрт, эркин ва бахтиёр халққа улуғвор байрамлар ярашади. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

– Аввало, бугун Конституциямизнинг қутлуғ байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг самимий ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман, – деди Президентимиз. – Айнан шу кунларда, яъни йилимиз якунига етиб бораётган дамларда ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида, жамиятимизнинг турли жабҳаларида амалга оширган ишларимиз, уларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапириш ўринли ва табиий, деб ўйлайман.

Юртимизнинг тараққиёт йўлида эришган марралар ва ютуқларимиз ҳақида сўз юритганда, буларнинг барчасини аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига, халқимизнинг пешона тери билан қўлга киритганимизни ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўйлайманки, мана шу залда тўпланган эл-юртимизнинг муносиб фарзандлари - ким қайси касб вакили бўлмасин, ким қаерда, қандай вазифада ишлашидан қатъи назар, умри тинимсиз меҳнат ва изланишда ўтиб келаётган сиз, азизлар бу ҳақиқатни яхши биласиз, англайсиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Минглаб ватандошларимиз қаторида мамлакатимиз равнақи, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, санъат ва таълим соҳасини ривожлантириш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, бир сўз билан айтсак, эркин ва обод келажагимиз йўлида сиз, муҳтарам юртдошларимизнинг қилаётган фидокорона меҳнатингиз ҳар қандай таҳсинга сазовор.

Бугун ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, ижтимоий ҳаётимиздаги фаол иштироки билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб келаётган сизлар каби инсонларга давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотларини топшириш мен учун чиндан ҳам катта шараф десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Аввало, Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий қудратини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган юртдошларимиз - машҳур тиббиёт олимаси, академик Малика Абдуллахўжаевани, Ўзбекистон халқ устаси, ноёб истеъдод соҳиби Абдуғани Абдуллаевни, моҳир педагог Саме Саматовни, темир йўл қурувчиси Баҳодир Илёсов ва хоразмлик заҳматкаш деҳқон, фермер Гулмат Ҳайитметовни энг олий мукофот - «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан ўз номимдан, халқимиз номидан муборакбод этиш менга чуқур мамнуният етказади, деди Юртбошимиз.

(Давоми 3-бетда)

Партия кўзгуси

## Партия ваколатлари кенгайиб, ислоҳотлардаги иштироки ортади



*Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг бўлиб ўтган VI-Пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”-ги Конституциявий қонун ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини тақдим этиши муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг ушбу қонун лойиҳалари бўйича бандма-банд ўз партиявий позициясини белгилаб олиш, моҳиятини атрофлича англаш ва баён қилиш ҳамда мамлакатда ушбу қонунчилик ташаббуси туфайли сиёсий партияларнинг роли тобора кучайтирилаётган бир шароитда келгусидаги долзарб вазифаларни аниқлаш масалалари муҳокама этилди.*

3-бетда ўқинг

*Спорт*

# Орзиқиб кутилган ғалабалар

***XV Осиё ўйинларининг академик эшкак эшиш бўйича 1000 метр масофага жуфтлик баҳсларида ҳамюртларимиз Руслан Наурзалиев, Владимир Черненко, қизлар ўртасида опа-сингил Зарина ва Севара Ғаниевалар олтин медаллар билан тақдирланди***

Қитъамизнинг қирқ беш давлатидан ўн мингдан ортиқ спортчи иштирок этаётган XV Осиё ўйинлари ҳал қилувчи паллага кирди. Мусобақа дастуридан жой олган стол тенниси, сузиш, дзюдо, ўқ отиш сингари спорт турлари ниҳоясига етган бир паллада академик эшкак эшиш бўйича ҳамюртларимиз Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига илк олтин медалларни ёзиб қўйишди.

Мусобақанинг дастлабки беш кунида фақатгина дзюдочиларимизга совриндорлар қаторига кириш насиб этганди. Жумладан, вакилларимиздан ўз вазн тоифаларида Шокир Мўминов (73 кг), Рамзиддин Саидов (91 кг), Ўткир Қурбонов (100 кг), Абдулла Тангриев (+100 кг)лар қитъа олимпиадаси бронза медалларига сазовор бўлди. Мухлислар эса спортчиларимиз шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишини соғиниб қолишганди. Бунга жавобан 6 декабрь куни ўтказилган академик эшкак эшишнинг 1000 метр масофага жуфтлик баҳсларида ҳамюртларимиз таҳсинга лойиқ натижага эришдилар. Дастлаб финал босқичида Хитой, Япония, Қозоғистон вакилларини ортда қолдирган Руслан Наурзалиев ва Владимир Черненко жуфтлиги олтин медалга муносиб кўрилди. Сўнгра худди шу масофага қизлар ўртасида уюштирилган баҳсларда опа-сингил Зарина ва Севара Ғаниевалар ҳам Осиёда тенгсиз эканликларини исботлашди. Бундан ташқари, айнан шу куни майдонга чиққан оғир атлетикачимиз Андрей Мартельянов (+105 кг), теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Ирода Тўлаганова, Оқгул Омонмуродова, Албина Хабибулина, Дилёра Саидхўжаева мусобақанинг бронза медаллари билан тақдирланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон спортчилари 45 давлат ўртасида тўққизинчи погонага кўтарилиб олди.





Жаҳонда юқори мавқени эгаллаб турган боксчиларимиз ҳам медаллар учун курашни давом эттиришмоқда. Рафиқжон Султоновдан ташқари барча «чарм қўлқоп» усталаримиз мусобақанинг чорак финал босқичига йўлланма олишган. Жумладан, навбатдаги учрашувларда Орзубек Шоимов (54 кг). Уган Бадар Енхбат (Мўғилистон)га, Баҳодиржон Султонов (57 кг) Дивакар Прасад (Ҳиндистон)га, Бекзод Хидиров (60 кг) Берик Калиев (Қирғизистон)га, Дилшод Маҳмудов (64 кг) Вакадапола Васала (Шри-Ланки)га, Бекзодбек Юнусов (69 кг) Ханати Силами (Хитой)га, Элшод Расулов (75 кг) Даврон Хабиров (Қирғизистон)га, Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг) Мехди Хабрани (Эрон)га, Жасур Матчонов (91 кг) Гук Беонг Жеон (Жанубий Корея)га, Рустам Саидов (+91 кг) эса Нурпайс Тўрабеков (Қозоқистон)га қарши рингга кўтарилади.

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 1994 йили Хиросимада уюштирилган XII Осиё ўйинларида олтин медаль соҳиби бўлганди. "Чарм тўп" усталаримиз Дохада ҳам ана шу ғалабани такрорлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Мусобақанинг "А" гуруҳида БАА (2:1), Қатар (1:0), Иордания (3:1) терма жамоалари устидан зафар қучган футболчиларимиз чорак финалга йўлланмани қўлга киритди. Энди вакилларимиз эртага Ироқ терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Агар Ўзбекистон терма жамоаси ироқликлардан устун келса, ярим финалда Жанубий Корея — КХДР учрашуви ғолиби билан баҳс юритади. Чорак финалнинг қолган икки жуфтлигида Таиланд-Қатар, Хитой-Эрон терма жамоалари кейинги босқичга чиқиш учун ўзаро куч синашади.

**Авазмо ТУРДИЕВА**

*Саломатлик*

# Хавотирга ўрин йўқ

*Кейинги пайтларда аҳоли ўртасида қизамиқ, қизилча касалликларининг тез-тез кузатилаётгани кишиларда бирмунча хавотир уйғотмоқда. Ушбу касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва олдини олиш, бу борада кўрилаётган амалий чора-тадбирлар хусусида Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи ўринбосари Вазира Муталова билан мулоқотда бўлдик.*

— Аввало, ушбу касалликлар ва уларнинг белгилари ҳақида қисқача тўхталсак. Қизамиқ — вируслар келтириб чиқарувчи ўта юқумли касаллик бўлиб, ҳаво томчилари орқали юқади. Касаллик манбаи эса бемор одам ҳисобланади. Бемор билан мулоқотдан 10-12 кун ўтгач касалликнинг клиник белгилари бошланиб, истма кўтарилиши, ҳолсизлик, йўтал, бурун битиши, коньюктивит каби симптомлар юзага келади. Жараённинг дастлабки икки-уч кунида оғиз шиллиқ қаватига тошмалар тошади. Бундан олдин оғиз бўшлиғида қизғиш гардишли оқиш нуқталар — Филатов-Коплик доғлари пайдо бўлади.

Касаллик 7-9 кунга чўзилади ва беморларда турлича енгил, ўрта, оғир кечиши мумкин. Хасталикдан сўнг ларингит, ҳиқилдоқ стенози, зотилжам, кичик ёшдаги болаларда стоматит, отит, блефарит, кератит каби асоратлар кузатилади.

Қизилча ҳам ўта юқумли вирусли касаллик ҳисобланиб, иситма кўтарилиши, тошма тошиши ва бўйин-энса лимфа безларининг катталашуви билан кечади. Уни фильтрловчи вирус келтириб чиқаради ва ҳаво-томчи йўли ёки бемор билан бевосита мулоқот орқали юқади.

Касаллик асосан ҳомиладор аёллар учун анча хавфли саналиб, ушбу даврда қизилча инфекцияси ҳомиланинг деярли барча аъзоларига таъсир қилади. Натижада ҳомила нобуд бўлиши ёки туғма нуқсон билан туғилиши мумкин. Ушбу касалликлардан сақланишнинг энг самарали йўли эмлашдир.

Охирги йилларда Тошкент шаҳар аҳолиси, айниқса 15 дан 30 ёшгача бўлганлар орасида қизамиқ ва қизилча касалликлари бирмунча кўп қайд этилди. Унинг кейинчалик эпидемик равишда тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий йилнинг 15 декабридан 25 декабригача Тошкент шаҳрининг 600 мингдан ортиқ 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳолиси орасида қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмлаш ўтказишга қарор қилинди.

Оммавий эмлаш чора-тадбирлари аҳолининг барча қатламлари орасида олиб борилиб, жойларда 900 дан ортиқ вақтинчалик эмлаш пунктлари ташкил этилди. Ушбу муҳим жараёнга махсус тайёргарликдан ўтган 2 мингдан ортиқ шифокор ҳамда ҳамширалар жалб этилган. Эмлаш ишлари тирик қизамиқ ва қизилча дивакцинаси билан ўтказилиб, бу бир вақтнинг ўзида иккала юқумли касалликнинг олдини олади. Мазкур вакцина Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг барча талабларига жавоб беради.

ЮСАЙД, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари томонидан оммавий эмлаш ишларига ҳомийлик тариқасида 750 000 доза қизамиқ ва қизилча дивакцинаси, 2,0 гр. 750 000 дона, 5,0 гр. 75 000 дона бир маротабали шприцлар келтирилган бўлиб, аҳоли бепул эмланади. Бундан ташқари, мазкур эмлаш ҳақида буклет ҳамда плакатлар ташкилот, муассасалар орқали аҳолига тарқатилиб, кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Хуллас, ҳеч қандай хавотирга асос йўқ.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Адолат» мухбири**

*Тадбир*

# Интеллектуал викторина

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида интеллектуал викторина ўтказилди.

Тадбирни Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, юридик фанлари доктори, генерал-майор М.Собиров очиб, қатнашчиларни Бош Қомусимизнинг 14 йиллик байрами билан табриклади. Сўнг ёшларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш — Ватанимиз ёшларини камолот сари бошловчи муҳим омиллардан бири эканлиги ҳақида сўз юритди.

— Мактабимиз профессор-ўқитувчилари ва тингловчиларининг, қолаверса ҳар бир фуқаронинг Конституциямизнинг ўзига хос хусусиятлари ва мустақил Ватанимиз ҳаётида тутган тарихий аҳамиятини яхши билишлари, ўз хизмат фаолиятлари давомида унга қатъий амал қилишлари, — деди жумладан у, — мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантиришда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирнинг асосий қисмида Конституция кунига бағишланган викторина беллашуви бўлиб ўтди. Унда мактабнинг 5-курс тингловчиларидан иборат «Халоскор» ва 4-курс тингловчиларидан иборат «Қалқон» гуруҳлари ўзаро куч синашди. Викторина 3 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда 5тадан савол берилди. Биринчи босқич Конституцияга, иккинчи босқич мутахассисликка оид саволлардан, учинчи босқич эса турли ижтимоий-сиёсий ва мантиқий саволлардан иборат бўлди. Муросасиз баҳслардан сўнг ғолиб жамоа номи аниқланиб, умумий тўплаган баллари 93 баллни ташкил қилган «Қалқон» гуруҳи бош совринни қўлга киритди. Викторина сўнгида мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги томонидан байрам концерти намойиш этилди.

**Ўктам ХОЛИҚОВ**

*Турмуш чорраҳаларида*

# Ўғрилик оқибати

***мудҳиш жиноят билан хотима топди***

Фарзанд тарбиясида, ёш авлоднинг комил инсон бўлиб вояга етишида, аввало оиланинг, қолаверса маҳалла-кўйининг таъсири, аҳамияти жуда катта. Бироқ, афсуски, қўрғонтепалик Акрамжон билан Ботир болаликданоқ таълим-тарбия кўрмай ўсишди. Оқибатда, тоғни урса талқон қиладиган ўсмирлар меҳнатга бўйин беришмади. Ота-оналарига рўзғорни тебратишда кўмак бериш ўрнига, аксинча тарallа-бедод юришди, бирор жойда ёлчитиб ишлашмади. Охир-оқибат қинғир йўллар билан пул топиш ғамида бир неча бор ўғирликка қўл уришди.

Аввалига улар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2005 йил 28 ноябрь куни тунда «Дардоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини Зебунисо кўчасида яшовчи Иброҳим Камоловнинг ҳовлисига ўғирликка тушишди. Бу ердаги "Урал" маркали, бозор баҳоси 35 минг сўмлик велосипедни ўғирлаб, сотиб юборишди. Кейин Зулфияхон Холмирзаеванинг ҳовлисидан бозор баҳоси 160 минг сўмлик 2 бош қўйни олиб чиқиб, жиноят изини йўқотиш мақсадида сўйиб, арзон-гаровга пуллашди. Қарашсаки, ишлар чакки эмас. Шу тариқа, қинғир ишлари ўнгидан келаётганидан ҳовлиққан шериклар мўмай пул топиш илинжида яна бир нечта жиноий қилмишларни содир этишди. Хуллас, пул бор, чўнтак қаппайган. Ҳаром луқмага ўрганиб қолган ҳамтовоқлар босар-тусарини билмай зиёфату маишатпарастликка ружу қўйишди. Оқибатда эса...

Акрамжон ва Ботир бу гал «Қўрғонтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Маъмуробод қишлоғида яшовчи Нўъмонжон Мадумаровникига "ташриф" буюришди. Мақсад эса, унинг енгил табиатли қизи С.Мадумарова билан маишат қилиш эди. Саодатнинг эски таниши Роҳидил Розиев қизникига шум ниятли бегона шахслар келганидан хабар топиб, уларни ҳайдаб юбориш учун ярим оқшом Н.Мадумаровнинг уйига кириб келди. Айнан шуни кутиб турган Ботир Саодат ва унинг вояга етмаган синглиси Сурайёнинг кўз ўнгида «чақирилмаган меҳмон»ни таёқ билан шафқатсиз калтаклаб, унга қаттиқ тан жароҳати етказди. Бу ҳам етмагандек, Акрамжон қочиб кетишга уринган Роҳидилни бир неча марта уриб, қўл-оёқларини арқон билан боғлаб ташлади. Натижада жабрланувчи ҳушини йўқотди. Лекин «Шаҳрихонсой» каналига ташлаб юбориш мақсадида ҳовлидан олиб чиқишаётганда Роҳидил ҳушига келиб, ёрдам сўраб бақирди. Қўни-қўшнилар хабар топиб қолишидан қўрққан ҳамтовоқлар Роҳидил Розиевни уйга олиб киришиб бўғиб ўлдиришди. Р.Розиевнинг ўлганига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг Н. Мадумаров Б. Мамажонов ва А. Исаковлар билан бирга ўз велосипедига жасадни юклаб, қишлоқ ҳудудидан ўтган каналга ташлаб юборишди. Бу билан улар айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этишди.

Кўп ўтмай Қўрғонтепа шаҳар "Шаҳрихонсой" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан оқиб ўтувчи каналдан тахминан 25-30 ёшли номаълум эркак кишининг жасади топилди. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг тезкор ходимлари бир зумда воқеа жойига етиб келишди. Ўрганиш ва суд-медэкспертиза текширувларидан сўнг марҳум шафқатсизларча ўлдирилгани исботланди.

Бу мудҳиш воқеа кўпларни ташвишга солди. Шубҳасиз, ҳеч ким ҳамтовоқ қотилларни оқлагани йўқ. Бироқ ҳар икки ёшнинг ҳаётлари умр аввалидаёқ шундай кўргуликка йўғрилгани, қўллари қонга ботгани барчани сергак торттириши керак. Ён-атрофимизда, маҳалла-кўйда ёшлангларнинг юриш-туришидан боҳабар бўлиш, ахир, ҳар биримизнинг бурчимиз эмасми?! Шундай экан, огоҳлик, ҳушёрлик ҳамиша ва ҳар жойда бизни тарк этмаслиги лозим.

**Лазизжон БАРАКАЕВ,**
**Қўрғонтепа туман прокуратураси катта терговчиси**




Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14
Факс — 133-40-86
Котибият — 136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 136-55-64
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Давур ЖОЗИЛОВ
Навбатчи — Носир ҲАЙДАРОВ
Саҳифаловчи — Латифжон ТУРСУНОВ

● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 1400
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 1270

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума кунлари чиқади

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди — 23.40